



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021



ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ХАЛҚ МАҶОЛЛАРИДА МАКРОГРАДУОНИМИЯ

Абдуллаева Наргиза

ЎзМУ, Инглиз филологияси кафедраси,

PhD, доц.в.б. n.abdullahayeva@nii.uz

DOI 10.5281/zenodo.4963107

Аннотация: Мазкур мақолада лексик-семантик парадигма – градуонимиянинг бир тури бўлган макрографадуонимия ҳамда унинг инглиз ва ўзбек халқ мақоллари таркибида учраши ўрганилган бўлиб, унинг мазкур икки тилдаги мақоллар таркибидаги турлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: мақол, паремиология, градуонимия, макрографадуонимия.

Мақол таркибидаги даражаланиш муносабати бевосита унинг компонентлари орасидаги луғавий градуонимияга асосланади. Луғавий градуонимиянинг бир нечта турлари ўзбек тилшунослари томонидан ўрганилган. Хусусан, луғавий даражаланишнинг мазмуний қўламларида бир томонлама (*чақалоқ – гўдак – бола – ўсмир – йигит*), айланувчан (*ёз – куз – қиии – баҳор*), марказдан қарама-қарши томонларга борувчи (*совуқ – илиқ – иссиқ*) [2, 83-85] каби йўналишлар мавжудлиги О.Бозоров томонидан айтиб ўтилган эди. Кейинроқ Ж.Ш.Джумабаева томонидан лексик градуонимиянинг мазкур хусусиятларини янада чуқур тадқиқ қилиб, бир томонлама даражаланишнинг ўсуви ёки камаювчи турлари аниқлаб берилди ва бундай даражаланиш қатори «микрографадуонимик қатор» деб аталди; марказдан қарама-қарши томонларга йўналувчи икки қутбли ўзаро антонимик муносабатларга эга градуонимлари мавжуд қаторлар «макрографадуонимик қатор» деб аталди [3, 26]. Агар макрографадуонимик қатор аъзолари учта бўлса, ушбу макрографадуонимик муносабат «йиғиқ макрографадуонимия» дейилади, агар бундай қатор аъзолари учтадан ортса, ушбу макрографадуонимик муносабат «ёйиқ макрографадуонимия» дейилади. Макрографадуонимиянинг мазкур ички турлари яна ўз ўрнида лексема

маъносидаги белгининг ошиб ёки камайиб боришини ифодалашига кўра ўсувчи ва камаювчи турларга ажралади.

Градуонимиянинг юқорида санаб ўтилган барча турлари ҳам инглиз тилидаги, ҳам ўзбек тилидаги мақолларнинг таркибида кўзга ташланади. Буни қуидаги мисоллар билан исботлаш мумкин. Баъзи градуонимик қатор аъзолари фақат битта мақолнинг таркибида мавжуд бўлса, баъзилари эса бир нечта мақол таркибида қатнашади. Масалан, *little* → *average* → *much* ўсувчи йифиқ макрографадуонимик қатори бир қанча инглиз халқ мақоллари таркибида учрайди: *A little too late, is much too late; He is not poor that has little, but he that desires much; He that desires but little has no need of much; He that eats least eats most; Less is more; Politeness costs little, but yields much; Promise little, but do much.* Қуидаги ўзбек халқ мақоллари ҳам биргина *top* → лойик/ўртacha → *кенг* ўсувчи йифиқ макрографадуонимик қатори градуонимларини ўз таркибида сақлади: *Top* тортшииб ийқилар, *Кенг* – кенгашиб; *Topga* – *топ* дунё, *Кенгга* – *кенг* дунё; *Оёқда этигинг топ бўлса, Дунё кенглигидан не фойда;* Уйимиз *топ* бўлса ҳам, *Кўнглимиз кенг.* Инглиз тилидаги *difficult/hard* → *normal* → *easy* камаювчи йифиқ макрографадуонимик қатори градуонимлари шу тилдаги фақат *All things are difficult before they are easy* мақолида учрайди. Шу каби ўзбек тилидаги қийин → ўртacha → осон камаювчи йифиқ макрографадуонимик қатори аъзолари *Қуда бўлмоқ – қийин, Жудо бўлмоқ – осон* мақоли таркибида мавжуддир. Ҳар икки тилда ҳам градуонимик қаторнинг ҳар бир турига хос бўлган градуонимларнинг бир нечта мақоллар таркибидаги иштирокини кузатишими мумкин [1].

Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир нечта мақоллар мавжудки, уларнинг таркибидаги градуонимлар уларнинг ўсувчи ёки камаювчи градуонимик қатордаги тартибига мос келмаган ҳолда жойлашади. Масалан:

➤ *England is the paradise of* ➤ *Бор товоғим, кел*
women, the hell of horses, and the товоғим,

purgatory of servants.

Бормасанг, келмасанг,

Ўртада син товоғим.

Инглизча мақолда *hell* → *purgatory* → *heaven/paradise* йиғиқ макрографдуонимик қаторининг учта аъзоси ҳам қатнашган бўлиб, лекин уларнинг мақолдаги тартиби градуонимик қатордаги тартибидан фарқ қиласди. Ўзбек тилидаги мақолда эса *кетмоқ/бормоқ/тарк* этмоқ → *қолмоқ* → *келмоқ* йиғиқ макрографдуонимик қаторининг фақат икки аъзоси қатнашган бўлиб, ушбу мақолда ҳам уларнинг жойлашув тартиби градуонимик қатордагидек эмас. Яна шундай мақоллар борки, уларнинг таркибида бир эмас, иккита йиғиқ макрографдуонимик қатор аъзолари жой эгаллаган. Бу каби мақоллар фақат инглиз тилидаги мақоллар орасидан топилди, ўзбек тилининг паремиологик фондидан эса топилмади. Масалан, қуйидаги мақолда *be born* → *live* → *die* ва *poor* → *normal* → *rich* йиғиқ макрографдуонимик қаторлар аъзолари мавжуд: *Fools live poor to die rich.*

Таркибида мақоллардаги жойлашув тартиби уларнинг градуонимик қатор тартибидан фарқ қиласдан градуонимлар ва бир мақолда бир турдаги бир нечта градуонимик қатор аъзолари қатнашган мақолларни «таркибида мазкур турга мансуб аралаш градуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар» деб аташ тавсия этилади. Чунки бу каби мақоллар таркибида бир турга мансуб ўсувчи ёки камаювчи градуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар қаторига қўшишнинг мантиқан иложи йўқ. Таркибида бир турга мансуб аралаш градуонимик қатор аъзолари қатнашган мақолларни градуонимларнинг кейинги турларига эга мақоллар орасида ҳам топиш мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўз турининг ичидаги кўриб чиқамиз.

Ўз таркибида тўртта ёки ундан ортиқ градуонимларга эга ёйиқ макрографдуонимик қатор аъзолари ҳам мақоллар таркибида ўсувчи, камаювчи ва аралаш шаклларда учрайди.

А) Таркибида ўсувчи ёйиқ макрографдуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар:

➤ *Never cast dirt into that fountain of which you have sometimes drunk.* (*never* → *rarely* → *seldom* → *sometimes* → *frequently/often* → *usually* → *always*)

➤ *Асли дүйман дүсм*
бўлмас, Қайнаб қони қўшилмас.
(дүйман → ёв/заним → рақиб → таниш/бетараф → ўртоқ → дўсм)

B) Таркибида камаювчи ёйик макрографуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар:

➤ *If you try to please all you will please none.* (*all* → *every/each* → *some* → *any* → *a/an/one* → *no/none*)

➤ *Ақллидан эл рози, Аҳмоқдан дил норози.* (*доно* → *оқил* → *зехнли* → *ақлли* → *гўсхўр* → *тентак* → *аҳмоқ/ақлсиз* → *нодон* → *телба/жинни*)

C) Таркибида аралаш ёйик макрографуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар:

➤ *Hear all, see all, say nowt, tak' all, keep all, gie nowt, and if tha ever does owt for nowt do it for thyself.* (*Hear all, see all, say nothing, take all, keep all, give nothing, and if you ever do anything for nothing do it for yourself.*) (*all* → *every/each* → *some* → *any* → *a/an/one* → *no/none*)

➤ *Аҳмоқдан – чақмоқ, Донодан – аҳмоқ.*
(телба/жинни → нодон → ақлли → зехнли → оқил → доно)

➤ *A wise enemy is better than a foolish friend.* (*brilliant* → *дүймани доно* яхши. (*дўсм* → *wise* → *canny/sensible* → *clever* → *уртоқ* → *таниш/бетараф* → *рақиб* *crazy* → *fool* → *absurd* → *stupid* → *ёв/заним* → *дүйман*, *asinine* → *insane/mad/idiot*, *телба/жинни* → *нодон* → *enemy/foe* → *acquaintance/neutral* → *аҳмоқ/ақлсиз* → *тентак* → *гўсхўр*)

friend)

→ *ақлли* → *зәҳнли* → *оқил* → *доно*)

Юқорида таркибида аралаш ёйик макрogradуонимик қатор аъзолари қатнашган мақолларга мисол сифатида келтирилган инглиз тилидаги биринчи мисолда сўзларнинг тарихий варианtlари қатнашган бўлиб, инглиз халқининг мулоқотида ҳозиргача унинг ушбу кўриниши қўлланилади.

Инглиз ва ўзбек тилларининг иккисида ҳам таркибида ҳам йиғиқ, ҳам ёйик макrogradуонимик қатор аъзолари қатнашган мақоллар учрайди, масалан:

➤ *A good word for a bad one* ➤ *Ақлли пакана аҳмок*
is worth much and costs little. дароздан яхши. (*доно* → *оқил* →
(*excellent* → *good* → *normal* → *bad* / *зәҳнли* → *ақлли* → *гўсчўр* → *тентак*
ill → *evil*, *much/many* → *average* → → *аҳмок/ақлсиз* → *нодон* →
little / few) *телба/жинни, пакана* → *ўртacha* →
дароз)

Хулоса қилиб айтганда, лексик градуонимиянинг бир тури бўлган макrogradуонимия турли тил оиласирига мансуб инглиз ва ўзбек тилларининг паремиологик таркибида кўп учрайди. Хусусан, ҳар икки тилда ҳам макrogradуонимиянинг ўсуви ва камаювчи турларидан ташқари аралаш тартибда жойлашувини ҳамда бир нечта макrogradуонимик қаторнинг аъзоларини ўз таркибида сақлаган мақоллар ҳам мавжуд.

Адабиётлар:

1. Abdullayeva N.E. Dictionary of English and Uzbek National Proverbs Containing Graduonyms/Graduonim komponentli ingliz va o‘zbek xalq maqollari lug‘ati. – T.: Nurafshon Business, 2019.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Т.: Фан, 1995.



3. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2016.